O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 7 октябрь, шанба • №77 (11.262) • Эркин нархда сотилади

## Кураш бўйича «Ислом Каримов турнири» иштирокчиларининг Халқаро кураш ассоциацияси фахрий президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ жаноби олийларига мурожаати

*Муҳтарам Президент жаноби олийлари!*

*Буюк Британиянинг Бедфорд шаҳрида биринчи «Ислом Каримов турнири»нинг ташкил этилиши Сизнинг ўзбек курашининг жаҳондаги оламшумул ривожига қўшаётган улкан ҳиссангизнинг ёрқин эътирофидир.*

*Биз, кураш бўйича биринчи «Ислом Каримов турнири» иштирокчилари Сизнинг бевосита ташаббусингиз ва раҳнамолигингизда ўзбек кураши жаҳонга юз тутганлиги, Буюк Британияда ҳам ўзининг кўп сонли мухлисларига эга бўлгани ва бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида тобора оммавийлашиб бораётганлигини мамнуният билан қайд этамиз.*

*Шуни ишонч билан таъкидлаймизки, «Ислом Каримов турнири» Буюк Британияда анъанавий халқаро турнир мақомига эга бўлади ва янги минг йилликда дунёда ўзбек кураши довруғининг янада ортишига, жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.*

*Сизга ҳурмат бажо келтириб ва соғлиқ тилаб,*

**Биринчи «Ислом Каримов турнири» қатнашчилари.**

Бедфорд шаҳри,
Буюк Британия.
2000 йил 2 октябрь.

## «Пахта — 2000»



НИҲОЯТ бир ҳафта давом этган ёғин-сочинли кунлар ортда қолди. Ҳаводан булут ариб, ерлар селгигач, вилоят пахтазорларида йиғим-терим ишлари қайта жонлана бошлади.

5 октярь куни вилоятда 4125 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Бу йиллик режага нисбатан 1,50 фоизни ташкил этади. Шу кунгача тайёрланган жами пахта 139 минг 688 тоннага етди. Бу йиллик режанинг 50,80 фоизига тенгдир.

Шу кунгача далалардан 26372 тонна ҳосил йиғиштириб олган бўкалик деҳқонлар пахта тайёрлашнинг бориши бўйича вилоятда пешқадамлик қилмоқдалар. Улар йиллик пахта тайёрлаш режасининг учдан икки қисмини уддалаб қўйдилар.

Кунлик суръатда 5 октябрь куни Пскент тумани пахтакорлари энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Шу куни улар йиллик режага нисбатан 2,41 фоиз миқдорида хом ашё тайёрлашди.

Шунингдек, кунлик теримда Чиноз, Бўка, Оққўрғон туманлари ҳам пешқадамлар сафида бормоқда. Бундай суръатга эришилаётганлигининг сабаби шундаки, Бўка тумани хўжаликларида меҳнатга яроқли аҳолининг теримга оммавий сафарбарлиги таъминланаётган бўлса, Чиноз ва Пскент туманларида терим машиналари қувватидан самарали фойдаланилмоқда. Жумладан, Чиноз туманида 5 октябрь куни тайёрланган жами 396 тонна пахтанинг 336 тоннаси машиналарда териб олинди.

Вилоятда пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида **2000 йил 6 октябргача** бўлган

**МАЪЛУМОТ**

*(фоиз ҳисобида)*

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён

| | | |
|---|---|---|
| Бўка | 1,87 | 66,19 |
| Пскент | 2,41 | 64,57 |
| Чиноз | 2,07 | 64,44 |
| Янгийўл | 1,16 | 57,02 |
| Ўртачирчиқ | 1,01 | 49,27 |
| Оққўрғон | 1,83 | 47,94 |
| Бекобод | 1,32 | 47,63 |
| Юқоричирчиқ | 0,71 | 35,65 |
| Қуйичирчиқ | 1,06 | 28,70 |
| Вилоят бўйича | 1,50 | 50,80 |



*ПСКЕНТ туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг Султон Тошев (суратда юқорида) бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил ҳам илғорлар сафида бормоқдалар. Улар ҳосилдорликни камида 35 центнерга етказишмоқчи. А. Дўстбеков номли хўжалик механизатори Тўрахўжа Азимов (суратда пастда) ўтган йили «КЕЙС» машинасида 605 тонна пахта териб, вилоятда биринчи ўринни олган эди. Бу йил ҳам машина бункеридан кунига 30 тоннадан ошириб ҳосил тўкмоқда.*

**Александр МАЛЬЦЕВ олган суратлар.**

## Эътироф

## ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ – ЕВРООСИЁ ТЕЛЕФОРУМИ СОВРИНДОРЛАРИ

***Яқинда Москвада бўлиб ўтган учинчи Евроосиё телефорумида ўзбек режиссёрлари В. Исҳоқов ҳамда Ш. Қурбонбоев тасвирга туширган «Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» туркумидаги фильмларнинг «Миллий хавфсизликнинг ҳарбий-стратегик асослари» деб номланган тўртинчи қисми кино анжуманининг ҳарбий ватанпарварлик мавзуидаги фильмлар номинацияси бўйича бош совринига сазовор бўлди.***

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси томонидан суратга олинган бу картина телефорумнинг «Фуқаролик жамиятини қарор топтириш ва инсон ҳуқуқлари» мавзуидаги фильмлар танловида ҳам дипломга лойиқ деб топилди. «Ўзбеккино» давлат акционерлик компаниясида мазкур фильм яратувчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда фильм ижодкорлари журналистларга МДҲ ҳамда Болтиқбўйи республикаларининг 158 дан зиёд кинокомпанияси ўз асарлари билан иштирок этган Москва телефоруми нуфузли ҳайъати ва танқидчилар ушбу картинада кўтарилган мавзу минтақада, қолаверса, бутун дунёда ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигига алоҳида эътиборни қаратганлигини таъкидладилар.

Кино анжуманида эътироф этилганидек, Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари асосида суратга туширилган туркум фильмларнинг мазкур қисмида давлатимиз раҳбарининг қатъий ва оқилона сиёсати боис нафақат мамлакатимизга, балки бутун дунёга хавф солаётган халқаро терроризм ва наркобизнеснинг пайи қирқилаётгани, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги таъминланаётгани акс эттирилган.

Яна шуниси эътиборлики, Ўзтелерадиокомпания қошидаги «Ўзбектелефильм» студиясининг «Ўзбекистон олтини», «Жавоҳир», «Н. Кучерский» сингари фильмлари ҳам телефорумнинг махсус совринлари билан тақдирланди.

***Н. УСМОНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

## Фармон ва ижро

## ЭНДИ ЎЗЛИГИНГНИ АНГЛА...

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ва «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармонлари кенг қамровлилиги ҳамда одилликнинг, инсонпарварликнинг, Ватанимиз фуқаролари ҳақида қилинаётган ғамхўрликнинг юксак намунаси эканлиги билан ажралиб туради.***

Шунинг учун ҳам халқимиз уларни тўла маъқуллаб, хурсандчилик билан кутиб олди. Вилоятимизнинг барча ҳудудларида бу Фармонларни тўла амалга ошириш юзасидан ташкилий-тарғибот ишлари кенг кўламда бошлаб юборилди.

Қатор мутасадди ташкилотлар қатори бу муҳим вазифани бажаришда вилоят ҳамда шаҳар-туманларда ташкил этилган ижтимой мослашув марказлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Уларнинг Фармонлар ижросини таъминлашдаги дастлабки қадамлари самараси, камчиликлари ва бундан буён қиладиган ишлари нималардан иборат бўлиши керак? Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган семинар-йиғилишда шу масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Унда иштирок этган барча шаҳарлар ва туманлар марказлари раҳбарлари, бошқа қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари бу соҳада қилинган дастлабки ишлар, орттирилган тажриба билан ўртоқлашдилар. Айниқса, Ангрен шаҳри, Қибрай, Оҳангарон, Тошкент туманлари ижтимоий мослашув марказлари фаолияти яхши баҳо олди. Улар рўйхатга олиш ва иш билан таъминлаш, моддий ёрдам кўрсатишга жиддий киришганлар. Айни вақтда қамоқ жазосини муддатидан илгари ўтаб келган фуқаролар билан ишлашнинг катта ижтимоий моҳиятини тушунмай сусткашликка йўл қўяётган қатор худудий марказлар ўткир танқид қилинди.

Йиғилишда Фармонларнинг ижросини таъминлаш бўйича ишларни жонлантиришга қаратилган тадбирлар белгиланди.

## ЎЗБЕК КУРАШИ:

## ҲАМ ҲАЛОЛ, ҲАМ МАФТУНКОР

**Илгари хабар қилганимиздек,1-3 октябрда Буюк Британиянинг Бедфорд шаҳарчасида кураш бўйича «Ислом Каримов турнири» бўлиб ўтди**

БРИТАНИЯ кураш ассоциацияси ташаббуси билан биринчи бор ташкил этилган Халқаро кураш ассоциациясининг фахрий президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номидаги ушбу кураш мусобақаларининг очилиш маросими тантанали тус олди. Бедфорд шаҳри спорт марказида Ўзбекистон ҳамда Буюк Британия давлат байроқлари кўтарилди ва мадҳиялари янгради. Ўзбек миллий рақс усталари ўз санъатларини намойиш этдилар.

Тантанали маросимдан сўнг турли вазн тоифасидаги курашчилар бирин-кетин гиламга чиқа бошладилар. Кураш қизигандан қизиб борди. Спорт марказини тўлдирган минглаб кураш ишқибозлари ҳалол, абжир ва мафтункор беллашувларни мириқиб ҳамда тинимсиз олқишлар билан томоша қилдилар.

Турнир давомида Буюк Британия бирлашган қироллигининг турли вилоятларидан ташриф буюрган 65 нафар курашчи билан бирга Ўзбекистондан борган беш нафар полвон ҳам гиламга чиқиб, серқуёш ўлкамизда спортнинг кураш тури ҳақиқатан юксак тараққиёт чўққисига чиққанлигини амалда намойиш этдилар. Беш вакилимиздан уч нафари ўз вазнида турнир чемпиони, бир вакилимиз иккинчи ва яна бир полвонимиз учинчи совринли ўринни эгаллагани ана шу фикримизнинг далилидир. Жумладан, 100 килограммдан ортиқ вазнда ҳамюртимиз Ботир Хўжаев чемпион, Шерали Бўронов эса иккинчи бўлишди. Ўн етти ёшдан ошган полвонлар баҳсида Баҳром Эрматов ғолиб чиқди. Шокир Қўчқоров 52 килограмм вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллади. 57 килограммгача бўлган қизлар беллашувида эса Феруза Ҳайтимбетова барча рақибларини мағлуб этиб, турнир ғолиби бўлди.

Ушбу турнирга турли ёшдаги ва турли вазндаги эркак ҳамда аёллар, шунингдек, болалар таклиф этилгани бежиз эмас. Мақсад жаҳон спорт майдонига дадил кириб бораётган ушбу кураш турини янада кенг оммалаштиришдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ ер юзидаги 30дан зиёд мамлакатда кураш ассоциациялари тузилиб, изчил фаолият юритмоқда. Уларда ҳар йили кураш бўйича миллий чемпионат мусобақаларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бунда ушбу кураш турининг фаол тарғиботчиси. Британия кураш ассоциацияси президенти Тимони Томас турнирнинг очилиш маросимида таъкидлаганидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг хизмати беқиёсдир. Зеро, Буюк Британияда илк бор кураш мусобақасининг «Ислом Каримов турнири» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Шуниси қувончлики, Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комилжон Юсупов Бедфорд мусобақаси очилиш тантаналарида маълум қилганидек, келаси йилдан бошлаб бу турнир халқаро анъанавий турнирга айланади. Бедфорд мусобақаси иштирокчиларининг Халқаро кураш ассоциацияси фахрий президенти Ислом Каримовга мурожаатнома қабул қилганлари ҳам шундан далолат беради.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.***

# «НИЁЗБОШ»ЛИКЛАРНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

## Репортаж

*Хўжаликнинг шундоққина пахта даласи бикинида жойлашган 18-бригадаси дала шийпонига борганимизда «Баҳор» халқ дастаси концертини эндигина тугатган эди. Дилрабо куй ва қўшиқларни тинглаб, рақсларни томоша қилиб, мириқиб хордиқ чиқарган деҳқонлар ва ҳашарчи теримчиларнинг мамнунликлари юз-кўзларидан билиниб турарди. Улар этакларини боғлаб, бирин-кетин яна пахтазорга отланаётгандилар. Биз раисга мурожаат қилиб, илғор теримчилар билан суҳбатлашмоқчи эканлигимизни айтдик.*

– Бизда ҳамма илғор, – деди Абдуғани Юсупов.

Сўнг у олдинроқда кетаётган аёллардан бирини чақирди. «Пешқадамларнинг пешқадами», деб қўйди раис. Одатдагидек савол бердик. У кеча 150 килограмм пахта терганлиги, бугун эса 200га етказмоқчи эканлигини айтди.

Сир эмас, баъзан радиода, ойнаи жаҳондаги эшиттиришларда «айрим хўжаликларда терилган пахтанинг ҳар бир килограммига Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кўрсатилганидек 14 сўм эмас, балки 11-12 сўм тўланаётганлиги айтилади». Биз ана шуни назарда тутиб, теримчига яна савол бердик:

– Ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ олиб турибсизларми?

Бу гап теримчидан кўра раисга эришроқ туюлди.

– «Пахта банк»нинг туман бўлими ходимларидан миннатдормиз, – деди у. – Терилган пахта учун тўланадиган ҳақни ўз вақтида бериб турибди. Ҳозиргача 23 миллион сўм пул олиб, тарқатдик... Буёғини теримчиларнинг ўзидан эшитинг. Ҳалиги аёл – Мукаррам Ҳасанова ҳозиргача уч тоннадан ортиқ пахта терганлигини ва 40 минг сўмдан ортиқ пул олганлигини айтди. Бу бригадада бунақа чевар теримчилар, мўмай пул олаётганлар кўп экан. Ҳар бир теримчи бир беш кунликда кам деганда 20-30 минг сўм ҳақ оляпти.

– Пахтачиликда ҳам оила пудратининг жорий этилганлиги яхши бўлди, албатта. Лекин йиғим-теримга келганда шартнома шартларидан андаккина чекиниш бўлмайдими?

– Нимани назарда тутаётганлигингизни тушундим, – дейди раис. – Деҳқон йил бўйи пешона тери тўкиб, етиштирган пахтасини ўзи териб, ҳақини ҳам ўзи олса яхши бўларди-да, демоқчисиз. Тўғри, лекин пудратчи етиштирган пахтаси қанчалик эрта ва сифатли териб олинганлигидан шунчалик манфаатдор бўладику! Шартнома шарти бўйича биз «кимки режадаги 28 центнердан ошириб пахта топширса, бу пахтанинг қиймати тўлалигича ўша деҳқоннинг ўзига берилади» деб қўйганмиз. Бунга қатъий амал қиламиз. Буни деҳқонлар ҳам яхши биладилар. Мана, ўзингиз кўрдингиз. Ҳосилимиз мўл бўлган. Агар теримни 16 сентябрдан бошлаган бўлсак, 13 кунда режани 66 фоизга етказдик. Айни йиғим-терим қизғин паллада деҳқонларимиз ўртача 90-100 килограммдан, ёрдамчилар 45-50 килограммдан пахта теришди. Шундай кунлар ҳам бўлдики, 6 фоизгача етказиб пахта топширдик. Қўл терими ҳисобига ҳеч вақтда бунақа пахта тайёрланмаган. Бу ниманинг хосияти? Аввало пудратнинг, қолаверса, манфаатдорликнинг натижасидир. Мавсум қисқа, фойдаланиб қолиш керак. Ҳар килосига 14 сўм бергандан кейин деҳқоннинг фикри-хаёли шу билан бўлади. Ҳар бир пудратчи имкониятдан фойдаланиб, режани иложи борича ошириб бажарсам, дейди. У пировард натижани ўйлайди.

Шу 18-бригада мисолида айрим рақамларни келтирайлик. Бригада бошлиғи, тажрибали пахтакор, ниҳоятда тадбиркор ва ҳисобдон. Унинг бригадасидагилар ҳам бошлиқларидан андоза олиб иш юритишади. Иброҳим ака қатъий қилиб: «Биз ҳосилдорликни камида 34 центнерга етказамиз», деди. Режадан ташқари давлатга сотиладиган пахта шунда 48 тонна бўлар экан. Бу 2 миллион 254 минг сўм пул дегани. Ана шу пул боя айтилганидек, 35та пудратчи ўртасида тақсимланади. Демакки, ҳар бир пудратчи режадан ташқари топширилган ҳосил ҳисобига 72 минг сўмдан пул олади. Агар бу пулга деҳқоннинг ой сайин олиб турадиган маоши қўшилса, бир пудратчининг йилнинг олти ойида оладиган ҳақи 150-180 минг сўмга етади.

Демак, у ҳар ойда 25-30 минг сўм пул ишлаган бўлиб чиқади. Шунинг учун ҳам биз шартнома шартига қатъий амал қиламиз. Деҳқонлар, пудратчилар йил охирида ҳисоб-китоб қилинганда тахминан қанча даромад қилишларини олдиндан режалаб қўйишади. Режа аниқ ва пухта бўлгандан сўнг даладаги иш ҳам яхши бўлади, ҳар бир тадбир маромида, сифатли амалга оширилади. Асосий майдонларимизда ҳосилнинг мўл ва эртаги бўлганлиги сирларидан бири шу.

– Бу йил ҳам режани биринчилардан бўлиб бажарасизларми?

– Мўлжалимиз шунақа, – деди раис, – ҳаво туриб берса бўлгани.

... Лекин табиат табиат-да унга ишонч йўқ. Мана, ҳаво ёғди. Терим сусайиб кетди. Телефон орқали раис билан боғландик.

– Энди буёғи нима бўлади демоқчисизда, – деди раис. – Бунақа кунларни биринчи марта кўраётганмиз йўқ. Даламизда ҳосил бор. Ҳали қўл тегмаган пайкаллар ҳам анчагина. Қозонда бўлса чўмичга чиқади-ку, ахир. Демоқчиманки, тушкунликка асло тушмаймиз, кўнглимиз тўқ. Теримчи, ҳашарчилар ҳаво жўнашиб кетиб, қулай фурсат келиши биланоқ яна астойдил ишга киришиб кетадилар. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Биз уларни ҳар жиҳатдан руҳлантириб, қўллаб-қувватлаб турамиз. Далада ишлаётганларга яхши шарт-шароит яратиб беришни ўз бурчимиз деб биламиз. Ҳар бир дала шийпонида тўйимли, иссиқ овқат канда бўлмайди. Маданий-маиший хизмат кўрсатиб турилади. Қарс икки қўлдан-да. Маррага албатта, барвақт етиб борамиз.

*Мен раис бу гапларни шунчаки, мухбирнинг одатдаги саволига одатдаги жавоб тариқасида айтмаётганлиги, даладаги ҳосилнинг чўғи, одамларнинг азму-қарори қатъийлиги, уларнинг ғайрат-шижоатига ишониб, қолаверса, аниқ ҳисоб-китобларга асосланиб айтаётганлигини англаб олдим.*

*Демак, Янгийўл туманидаги «Ниёзбош» жамоа хўжалигининг 3076 тонналик хирмони яқин кунларда қад ростлашига ишончимиз комил.*

***Носир РИХСИЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

## ЖАҲОН ТАЖРИБАЛАРИГА СУЯНИБ

***Республика Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда Давлат патент идораси Украина илмий технологик маркази билан ҳамкорликда интеллектуал мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш масалаларига бағишланган семинар ўтказди.***

– Семинарда интеллектуал мулкга бўлган муносабат, унинг ҳуқуқий муҳофазаси борасидаги ғарб мамлакатларининг тажрибаси ва амалий фаолиятлари, илмий-техник тадқиқотлар натижаларини сотиш, харидор топиш, тижорат масалалари кўриб чиқилди, – деди Давлат патент идораси расмий-экспертиза бўлими бошлиғи Мастура Мансурова «Туркистон-пресс» мухбирига. – Унда Украина, АҚШ ва Канада мамлакатларидан келган олимлар ҳамда Давлат патент идорасининг етакчи мутахассислари томонидан маърузалар қилинди. Семинар ўтказишдан мақсад – Ўзбекистон ва хорижда ўз ихтироларимизни ҳимоялашда ёрдам берадиган билимларни ва ғарб тадқиқотчиларининг тажрибаларини ўрганишдир.

Бундай анжуманларнинг ўтказилиши ўзбек фанининг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрни янада кўтарилишига хизмат қилади ва ўз ихтироларимизга талабгорларнинг ортиши, амалиётда қўлланилиши учун зарур билимлар беради.

***«Туркистон-пресс».***

**АЗИЗ ДЎСТЛАР! «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» га обуна давом этмоқда!**

# КЎРГАЗМАДАН БОШЛАНДИ

## 6 ОКТЯБРДАН 30 ОКТЯБРГАЧА ЎЗБЕКИСТОНДА БЕШИНЧИ МАРОТАБА ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

***Бадиий академиянинг кўргазмалар залида «Жаҳон тақвимлари» кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.***

– Ушбу тадбир, – деди Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси ва «OISCA-international»нинг ҳамкорлигида иш бошлаётган кўргазмани очар экан, Бадиий академия президенти Турсунали Қўзиев, – шубҳасиз, пойтахтимиз, мамлакатимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлади. Биз тақвим деб атаб келадиган бу ижод тури дунё халқлари орасида жуда машҳурдир. У аввало мамлакатларнинг табиий шароити, тарихий ёдгорликлари ҳақида ҳикоя қилса, сўнгра катта ташвиқот ишларини ҳам бажаради. Бугун кўргазмалар залимизда Бразилиядан тортиб Малайзиягача, Беларусдан тортиб Неапалгача, хуллас 40та мамлакатнинг 100га яқин тақвимлари намойиш этилади.

Сўзга чиққан академик Л. Иброҳимова, дизайнер-безакчи Х. Халилова, Болгариянинг Ўзбекистондаги элчиси Е. Копутолиевлар кўргазма XX аср ниҳоясида ташкил этилаётганлиги, улар халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорликка катта ҳисса қўшиши ҳақида гапирдилар.

100 тақвим, 40 мамлакат. Шу рақамларнинг ўзиёқ тадбир салмоғини белгилаб турибди. Йиғилганлар гоҳ ҳаяжон, гоҳ ҳайратга тўлиб Киевдаги София соборининг нақшлари, буюк Леанардо да Винчининг «Ҳуфя оқшомлар» асарларини томоша қилдилар. Айниқса, Ўзбекистон мусаввирларининг асарлари туширилган тақвимлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Халқимиз азалдан саёҳатга ишқибоз. Шунинг учун ҳам жаҳон саёҳат маркази ҳисобланган юртларнинг гўзал табиати, қадимги Мисрнинг ёдгорликлари, Қуддуси шарифнинг масжиду ибодатхоналари ва бошқа ноёб осори атиқаларнинг суратлари туширилган тақвимлар олдида одамлар, айниқса гавжум бўлди. Хусусан, деворга илинадиган ва митти стол, тадбиркорликка бағишланган плакат-тақвимлар ажойиб-ғаройиб чоп этиш маҳорати, бу борада нашр ишлари нечоғлиқ ривожланиб кетганидан гувоҳлик бериб турибди. Асримизнинг иккинчи ярмида рекламаларга эҳтиёж жуда ўсиб кетди. Бразилиянинг «Comuflek» Иорданиянинг «Poyal Jordatan» авиакомпанияси, Туркиянинг Стандартлар институти бу борада ҳамшаҳарларимизга ўзига хос тортиқ қилдилар. Улар тавсия этган реклама тақвимлари ҳам сифат, ҳам мазмун жиҳатидан тўлақонли деб эътироф этилди.

— Тантанали суратда очилган, 30 октябргача давом этадиган Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари доирасида ушбу кўргазмадан бир олам завқ олдим, – деди санъатшунос Шуҳрат Рашидов. – Бу йилги кўргазма Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним таъкидлаганидек кенг қамровли ва сермазмундир. Пойтахтимизда тақвимлар кўргазмасидан ташқари Япония қўғирчоқлар кўргазмаси ҳам очилади. У япон халқининг ўзига хос бетакрор санъатидан бизни баҳраманд этади. Худди шундай Япония кинофильмлари фестивали ҳам ўз ишини бошлаш арафасида. Бунда машҳур режиссёр Акира Куросаванинг фильмлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. Маданият кунлари ниҳоясида эса «Япониянинг урушдан кейинги сиёсати» мавзуида катта илмий-амалий анжуман бўлиб ўтади. Унда Япониянинг таниқли олимлари иштирок этадилар. Хуллас, барча ҳамшаҳарларимиз, вилоятдагиларимизни қизиқарли дастурлар кутмоқда.

**Ғолиб МИРЗО.**

# ЯНГИДАН ТАНИШУВ

***Тошкентда «Венгрия сизнинг ҳамкорингиз» кўргазмасининг очилиши билан мамлакатимизда Венгрия кунлари бошланди. Шу муносабат билан пойтахтдаги Киночилар уйида матбуот анжумани ўтказилди.***

Журналистлар ҳузурида сўзга чиққан Венгриянинг Россия Федерациясидаги элчихонаси иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси ҳамда Венгриянинг Ҳамдўстлик мамлакатларидаги савдо вакили Пал Сюч ушбу тадбирлар Венгрия давлатининг 1000 йиллигига бағишланганини билдирди.

Ўзбекистонда Венгрия кунлари ўтказилишининг ўзига хос жиҳати шундаки, у мамлакатимизнинг нафақат иқтисодий, балки маданий тараққиёти билан ҳам таништиради, – деди Пал Сюч. Унинг қайд этишича, 2000 йил Венгрия давлати тарихида муҳим ўрин тутувчи йил бўлди. Венгер давлатчилигига асос солиниб, мамлакатнинг Европа маданиятига қўшилиб кетганидан буён ўтган минг йилдан сўнг Венгрия яна Европа Иттифоқининг аъзоси бўлишдек тарихий қадам арафасида турибди. П. Сюч Венгриянинг иқтисодий аҳволига тўхталар экан, кейинги йилларда мамлакатда ялпи маҳсулот ўсиши Европа Иттифоқининг ўртача йиллик кўрсаткичларидан икки баравар ошиб, йилига 4-5 фоизни ташкил қилганини маълум қилди. Республика иқтисодиётига бевосита йўналтирилган хориж инвестицияларининг умумий ҳажми 21 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Натижада Венгрияда янги замонавий корхоналар ишга тушиб, хорижда уларнинг маҳсулотига талаб катта бўлаётир. Шунингдек, кўпгина мамлакатлар билан икки томонлама алоқалар ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Шу туфайли Ўзбекистон билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини фаоллаштиришга қарор қилинди, таъкидлади П. Сюч.

Венгриянинг МДҲдаги савдо вакили «Туркистон-пресс» мухбирининг саволига жавоб берар экан, ўтган йили мамлакатнинг Ўзбекистон билан савдо айланмаси 18 миллион АҚШ долларини ташкил этганлигини, бу йил эса ушбу кўрсаткич яна ошишини таъкидлади. Мазкур кўргазмада мева ва сабзавотларни қайта ишлаш бўйича турли мини-технологиялар, пиво тайёрлаш мини-ускуналари намойиш этилди. Ушбу технологиялар ўзбек тадбиркорларини қизиқтириб, мамлакатлараро товар айланмасининг ўсишига имкон яратади деб умид қиламиз, деди П. Сюч. Шунингдек, у Ўзбекистон билан паррандачилик ва фармацевтика саноати соҳаларида фаол ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлигини қайд қилди. П. Сюч Венгер киноси кунларига тўхталиб, ўзбек томошабинлари Венгрия тарихи, унинг демократик давлат сифатида ривожланиши ҳақида маълумот берувчи энг яхши ўнта фильм билан танишишларини таъкидлади.

***«Туркистон-пресс».***

# «ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ»

*Жамоатчилик фикрини ўрганиш билан шуғулланувчи ҳукуматга қарашли бўлмаган «Ижтимоий фикр» маркази «Ўзбекистон – умумий уйимиз» мавзусида сўров ўтказди.*

Сўров Қорақалпоғистон Республикаси, тўрт вилоят ва Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида ўтказилди. Унда Ўзбекистон фуқаролари – республикада истиқомат қилувчи асосий этник гуруҳлар вакиллари иштирок этди.

Сўровда иштирок этганларнинг 95,7 фоизи тинчлик ва барқарорлик, умумий уйимизда қарор топган миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини мустақил Ўзбекистоннинг энг қимматли бойлиги деб ҳисоблайди.

94,7 фоиз иштирокчилар миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов юритаётган оқилона сиёсат самараси деб билади.

Сўралганларнинг кўпчилиги (80,7 фоиз) қатъий ишонч билан билдирган фикрга кўра, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, кишиларнинг миллати ва динидан қатъий назар, муҳофаза қилинган. Ҳар иккинчи одам уларга «тўлиқ риоя қилинмоқда» деб ҳисоблайди. Фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларига қатъий риоя қилинмаяпти, деб ҳисоблайдиганлар бор-йўғи 4,6 фоизни ташкил этади.

Умуман, сўралганларнинг фикрига кўра, жамиятдаги миллатараро муносабатлар барқарор характерга эга, шу билан бирга турли миллат вакилларининг ижтимоий фаоллиги тобора ортиб бормоқда. Сўралганларнинг 96,4 фоизи мустақиллик йилларида қарор топган миллатлараро ва динлараро муносабатларга ижобий баҳо берганлиги бунинг далилидир. Сўралганларнинг 26,8 фоизи ушбу муносабатларни жуда яхши, 46,9 фоизи яхши, 22,7 фоизи эса қониқарли деб ҳисоблайди.

Умуман, тадқиқот натижалари республикада миллатлараро бирлик – ўзбекистонликлар деган тушунча юзага келаётганидан далолат беради.

«Ижтимоий фикр» маркази миллатлараро ва динлараро муносабатлар жараёнлари ривожланишининг ҳолати ва ўзгариши, уларнинг асосий йўналишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишининг асосий шартлари ҳамда амалдаги шароитлари, шунингдек жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва миллатлараро барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга кўмаклашувчи омилларни мунтазам ўрганиб боради.

***ЎзА.***



# 2000 ЙИЛНИНГ ИЛК ТОЛАСИ ЕВРОПАГА ЙЎЛ ОЛДИ





Шу кунларда очиқ турдаги «Олимкент пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамиятида бўлсангиз, зўр ғайрат-шижоат билан қилинаётган қизғин меҳнатнинг гувоҳи бўласиз. Терим мавсуми бошланиши билан бу ер ҳам гавжумлашиб кетди. Янги пахта ҳосили ортилган автомашиналар, тиркамалар туну кун тўхтовсиз бу ерга келиб турипти. Корхона ишчилари эса уларни тез ва соз қабул қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Завод жамоаси дастлабки «оқ олтин» тонналарини 13 сентябрда қабул қила бошлади. Шундан бери бу жараён тўхтовсиз давом этиб, иш ҳажми тобора ортиб боряпти. Кейинги вақтларда эса, бунтларга ётқизилган пахта миқдори ҳар куни 600 тоннадан ошиқ бўлмоқда.

Корхонада пахта сақланадиган ёпиқ омборларнинг иккитаси бор. Уларнинг ҳар бирига 500 тоннадан «оқ олтин» жойлаштирилиши мумкин. Бундан ташқари, ўн иккита бунт майдони барпо этилган. Айни вақтда корхонага қарашли қатор пахта пунктлари жамоалари ҳам фаол ишламоқдалар.

– Жорий йилда ҳам ҳаммаси бўлиб, 19 минг 952 тонна «оқ олтин»ни қабул қилиш ва қайта ишлашни таъминлашни режалаштирганмиз, – дейди акциядорлик жамияти раҳбари Муҳиддин Ниёзбеков. – Ўйлайманки, бу мажбурият ортиғи билан бажарилади. Чунки бу йил пахта барвақт етилди ва ҳосили ҳам мўл бўлди. Шунинг учун биз режадагидан ҳам кўпроқ қимматли хом ашёни қабул қилишнинг уддасидан чиқа оламиз. Бир сўз билан айтганда пахтакорларимиз етиштирган ҳосил ҳажми қанча бўлишидан қатъий назар ҳаммасини қабул қиламиз...

Корхона ҳудудида дастлабки пахта бунтлари ҳам пайдо бўлди. Уларнинг бир нечтаси қад кўтариб турипти. Қайта ишлаш жараёни эса бир зум тинмасдан давом этаяпти. Пахтадан ажратилган тола тойлари ҳозирнинг ўзидаёқ буюртмачиларга, чигит эса ёғ-мой комбинатларига етказиб берила бошланди, ундан уруғлик ҳам тайёрланяпти. Ҳозирча фақат биринчи навларга қабул қилинаётган пахтадан кунига 55 тонна атрофида сифатли тола тайёрланяпти.

– Қатор жамоа хўжаликлари ва фермерлар корхонага пахта топширишни кун сайин жадаллаштирмоқдалар, – дейди жамият раҳбари. – Айниқса, «Ўзбекистон», «Султонобод», «Маданият» жамоа хўжаликлари, «Нурали» фермер хўжалиги пахтакорлари бу ишда олдинда боришяпти, улар топшираётган «оқ олтин» сифатлилиги ва тозалиги билан ажралиб турипти. Бошқалар ҳам улардан ўрнак олишса айни муддао бўларди.

Ўз сафига 426 нафар ишчи-хизматчиларни бирлаштирган жамоа доим сўз ва иш бирлигига эришишга одатланган. Улар хўжалик йилини муваффақиятли якунлаш учун кўтаринки руҳ билан ишламоқдалар. Шу мақсадда вақтдан ва мавжуд имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланишга ҳаракат қилишяпти. Хом ашёдан тола ажратиб олишни кун сайин кўпайтирмоқдалар.

Пахта тозаловчилар жамоасининг мукимлиги бунда жуда қўл келмоқда. Уларнинг кўпчилигини корхонада узоқ йиллар ишлаб, катта тажрибага эга бўлган ишчилар ташкил этади. Улар жамоа меҳнат натижалари салмоқли бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўттиз йилдан бери товаршунослик қилаётган Абдужаббор Тошпўлатов, чилангар Равшан Алсеитов, лаборатория мудири Гулсина Шафигулина, ишчилардан Абдували Норқулов, Тўлан Матқаюмов, Зулфия Топоркова ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар ишлашда касбдошларига намуна бўлмоқдалар. Самарали меҳнатдан эса ишчилар моддий манфаат кўрмоқдалар. Уларнинг ўртача иш ҳақи 14 минг сўмни ташкил этмоқда.

Жамоа бу йил толанинг кўпроқ қисмини чет элларга экспорт қилиш ва бу билан мамлакатимизнинг валюта заҳираларини бойитишга ҳисса қўшишга аҳд қилган. Янги пахта ҳосили толасини хорижга жўнатиш ҳозирданоқ бошлаб юборилди. Қатор Европа мамлакатларининг буюртмаларини бажаришга киришилди. Россия, Швейцария, Венгрия ва бошқа давлатларга дастлабки янги тола тойлари жўнатилди.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ.***

*СУРАТЛАРДА: ишчилардан Абдували Норқулов ва Тўлан Матқаюмовлар пахта тойларини конвейердан тушириб олишмоқда; лаборатория мудири Гулсина Шафигулина ва лаборант Гулрў Файзиевалар пахтанинг сифатини текширишмоқда; «оқ олтин» ортилган автомашиналар, тиркамалар корхонага узлуксиз келиб турипти.*

***Дилшод АҲМАД олган суратлар.***

# ПОЧТА: ЯНГИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВА ТАЛАБЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон почтаси ва коммуникациялар агентлиги Бош директори ўринбосари Махсум Маҳмудов ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:***

– Аввало шуни таъкидлаш керакки, яқинда қабул қилинган «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси йил давомида кўплаб ташкилотларда, шу жумладан халқаро миқёсда ўзига хос экспертизадан ўтди. Лойиҳа меҳнат жамоаларида, мутахассислар ва алоқачи-фахрийлар орасида муҳокама этилиб, унга кўплаб таклиф ва мулоҳазалар киритилди. Шу маънода «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонун мустаҳкам асосга эга.

Ўзбекистон почта алоқаси мустақил соҳа сифатида 1992 йилда шакллантирилди. Ўша пайтда собиқ Иттифоқ республикалари ичида биринчи бўлиб бизда, халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда, почта ва электрон алоқани ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Ўтган йиллар давомида почта соҳасининг мустақил фаолиятида, табиийки, маълум тажрибалар тўпланди, маъмурий бошқарув жараёнларидан бозор механизмига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилди. Почта алоқаси корхоналарининг ишлари янги шарт-шароитларга, бошқарувнинг горизонтал тизимини мустаҳкамлашга мослаштирилди. Халқ хўжалигининг мазкур муҳим соҳаси почта хизматларининг ижтимоий характерини, уларнинг ҳукумат ва жамият учун аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, қонун доирасида фаолият юритиши зарур эди. Буларнинг барчаси қабул қилинган ҳужжат нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканидан далолат беради.

Ҳужжатда, энг аввало, почта корхоналари, шунингдек, почта мулки эгалари иқтисодиётининг хилма-хиллиги кўзда тутилган. Почта хизматларидан фойдаланувчиларнинг тенглиги муҳим омил ҳисобланади. Республикамизнинг ҳар бир фуқароси ёки меҳмони ер шарининг хоҳлаган жойига хат, телеграмма ва нарса жўнатиш ва уларни хоҳлаган жойидан олиш ҳуқуқига эгадир. Бу эса почта корхоналари зиммасига нафақат катта масъулият юклайди, балки моддий кафолатни ҳам тақозо этади. Шу билан биргаликда фуқароларнинг ёзишмалари ва почта орқали юбориладиган нарсаларининг сир сақланиши ҳуқуқига сўзсиз риоя қилиниши шарт.

Почта алоқаси хизматлари аҳолининг кенг табақалари учун сертармоқ почта алоқаси хизматлари орқали кўрсатилиши Қонунда акс этган асосий тамойиллардан биридир. Шунингдек, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бир хил хизмат кўрсатилишини таъминловчи қоидалар ҳам кўзда тутилган.

Шу билан бирга, қонунда почта алоқаси корхоналарига тўғридан-тўғри маблағ ажратиш, солиқ имтиёзлари бериш ва бошқа турдаги давлат ёрдами кўрсатиш ҳам эътиборга олинган.

Илк бор почта соҳасидаги хўжалик фаолияти давлат бошқаруви хизматидан ажратилди ва бу почта алоқаси корхоналарининг мустақиллигини оширади.

Қонун корхоналар ва почта хизматидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлик даражасини белгилайди. Шунингдек, почта ходимларини формали кийим ва кўкрак белгилари билан таъминланиши ҳам кўзда тутилган.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, мустақил Ўзбекистон 1994 йилдан буён ўз таркибига 180 мамлакатни бирлаштирган, дунёдаги энг кўҳна халқаро ташкилотлардан бири – Бутунжаҳон почта иттифоқи аъзосидир. Ўзбекистон ўз фаолиятида мазкур Иттифоқ низоми ва тартибига амал қилади ва айни пайтда ушбу фаолиятга доир масалаларни мустақил ҳал этади.

Шундай қилиб, «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонун ўз вақтида қабул қилинган, шу билан бирга почта алоқаси хизмати соҳасини тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатдир. Қонун иқтисодиётмизни мустаҳкамлашга, хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган бўлиб, одамларнинг кундалик турмушини янада яхшилашга хизмат қилади.

***В. ПОПЛАВСКИЙ ёзиб олди. ЎзА мухбири.***

# МАТЛУБОТЧИЛАР ҲИММАТИ

Юқоричирчиқ тумани «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси пахта йиғимтерими мавсумида маҳсулот тайёрлаш ҳажмини бир ярим бараварга кўпайтирди. Корхонада кунига 12 тоннадан зиёд нон ёпилиб, тумандаги 60та дўконга ҳамда пахтакор ва ҳашарчилар дастурхонига етказиб берилмоқда. Яқинда «Гулистон» хўжалигида жамиятга қарашли қандолат цехи ҳам ишга туширилди. Ўтган бир ой мобайнида бу ерда тайёрланган тўққиз тоннага яқин турли ширинликлар истеъмолчиларга жўнатилди.

***Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.***

# ҚЎРҒОНЧАДА БОҚИМАНДАЛАР ЙЎҚ ЭНДИ

***ҚЎРҒОНЧА Қуйичирчиқ туманининг энг чекка қишлоғи. Бир ёнидан Сирдарё, бир ёнидан Чирчиқ дарёси оқиб ўтувчи ҳудудда оз эмас, 1926та хонадон бор. Уларда 11 минг 700 аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқдаги 9та маҳаллада ўнга яқин миллат вакиллари ўзаро аҳил ва иноқ яшаб, меҳнат қилишади. Одамларнинг асосий тирикчилик манбаи – деҳқончилик.***

Очиғини айтиш керак, аҳолиси гавжум бўлгани учунми, яқин вақтгача туман ҳокимлигига фуқаролардан тушаётган шикоят аризаларининг кўпи айнан шу қишлоқдан бўларди. Одамлар, ҳатто, оддий низоларни ҳал қилиб беришни сўраб, ҳокимликка мурожаат қилардилар. Қишлоқ фуқаролар йиғини фаолияти оқсаб, раҳбарлари эл назаридан қолгандек эди.

Ниҳоят қўрғончаликлар Ҳайдар Аҳмедовни фуқаролар йиғинига раис этиб сайладилар-у, ижтимоий соҳаларда ўзгаришлар юз бера бошлади. Сабаби – Ҳ. Аҳмедов ишни нимадан бошлаш кераклигини яхши биларди. Чунки, ўзи ҳам шу қишлоқда туғилиб, вояга етган, ўттиз йил мактабда ўқитувчилик қилган. У, аввало, қишлоқ йиғинининг ҳақ-ҳуқуқини жойига қўйиш, нуфузини тиклаш лозимлигини англади. Қишлоқ фаолларини йиғиб маслаҳатлашди. Йиғин қошида оқсоқоллар кенгашини ташкил этди.

– Ҳамон боқимандалик кайфиятида юрган одамлар кўп эди, – дейди Ҳ. Аҳмедов. – Ўзингиз ўйлаб кўринг, қишлоқда юздан ортиқ оилага моддий ёрдам пули ажратиларди. Ҳатто ишлаш, яхши яшаш учун ҳамма имконияти бор одамлар ҳам боқиманда кайфиятида эдилар. Биз бундай ношукурчиликдан қутулишга ҳаракат қилдик ва бунга эришдик ҳам. Бугунги кунга келиб 40 оилагина ана шу имтиёздан фойдаланмоқда.

Дарҳақиқат, 84 минг 210 квадрат метр майдон аҳолига ҳеч ҳам торлик қилмайди. Айтмоқчимизки, қишлоқ аҳлининг барчасида томорқа ери бор. Деҳқончиликни яхши йўлга қўйиб, анчагина даромад қилса бўлади.

*Қишлоқ ва ислоҳот*

Раис одамлар билан бўлган оддий суҳбатларда ҳам, учрашувларда ҳам ана шу муаммони бот-бот такрорлаб, уларни янгича фикрлашга, янгича ишлашга ўргатди.

Дастлабки муаммони ҳал қилган раис қишлоқда турмуш шароитини яхшилашга киришди. Шу йилнинг ўзида 4,5 километр узунликда газ қувурлари тортилди ва аҳолининг табиий газга бўлган талаби деярли қондирилди. Битта сартарошхона, нoввойхона, автомобилларга техник хизмат қилиш устахонаси, қатор савдо дўконлари, футбол ўйингоҳи айнан раиснинг саъй-ҳаракатлари билан бунёдга келди. Бундан ташқари кўчалар асфальтланди.

– Президентимизнинг қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмалари бизга ҳам тегишли, – дейди раис, – чунки жамият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни шакллантиришда қишлоқ фуқаролар йиғинининг роли каттадир. Ўтган икки-уч йил мобайнида қишлоғимизда йигирмага яқин тадбиркорлик тузилмалари ташкил этилди. Шу қисқа вақт ичида ун ва шоли тегирмонлари ишга туширилди. Қишлоқ марказининг қиёфаси янада кўркам ва обод бўлиб бормоқда.

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш – бугуннинг долзарб вазифаларидан бири. Қўрғончада ҳам ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламлари бор. Айни шу масалада тадбиркорларнинг ёрдами катта бўлаяпти. Агар қишлоқда 76та кам таъминланган оила фуқаролар йиғини томонидан рўйхатга олинган бўлса, шундан 35тасини қишлоқ ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер ҳамда тадбиркорлар бевосита ўз қарамоқларига олганлар.

Шу билан бирга қишлоқ фуқаролар йиғини ҳал этиши лозим бўлган муаммо ҳам йўқ эмас. Чунончи, Қўрғонча туманнинг чекка ҳудудида жойлашганлиги сабабли бу ерда ичимлик суви муаммоси ҳали ҳам долзарблигича турипти. Шу кунгача аҳолининг атиги 40 фоизигина ичимлик суви билан таъминланган холос.

– Бу муаммони тез орада бартараф этиш юзасидан туман ҳокимлиги раҳбарлиги остида аниқ чора-тадбирлар белгиланган, – дейди Ҳ. Аҳмедов. – Яна замона мулкдорларига суянамиз. Улар ҳар ишда бизнинг кўмакдошимиз бўлмоқдалар. 2001 йилда бу масала ҳам узил-кесил ҳал этилади.

Фуқаролар йиғини раисининг келгуси режалари, мақсадлари бисёр. Эндиликда уни тез-тез ёшлар орасида учратиш мумкин. Шу боис қишлоқда ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар, ҳар хил зарарли оқимларга қўшилишлар анча камайди. Тўй-маъракалар ҳам ихчамлашди. Аҳоли фуқаролар йиғини, оқсоқоллар кенгаши билан бамаслаҳат иш тутишга ўрганмоқда. Натижада одамларнинг яшаш шароити ва турмуш-тарзи кундан-кунга ўзгариб, фаровонлашиб бораётир.

***Саиджон МУСТАФОЕВ, Дониёр КАМОЛ.***

*Ибратнома*

# КЎНГИЛ ВА БУРЧ

***Гурунг борган сари файзиёблашарди. Дастурхондаги анвойи тармевалардан тановул қилиб, аччиқ кўк чойни хўплаб, улфатлар диллари чигилини ёзишарди. Айниқса, бунақа пайтларда Эшпўлат давранинг гулига айланарди. У айтган латифалардан чойхонада гуриллаб кулгу янграр, бошқа сўридагилар эса бу хушчақчақ улфатларга ҳавас билан қараб қўйишарди.***

Ош сузилишига яқин Файзулло бесаранжом бўла бошлади. У дам-бадам соатига қараб қўяр, жўрабошига назар ташларди. Жўрабоши Адҳам эса, ундан кўзларини олиб қочарди. Охири тоқати тоқ бўлди шекилли, зарда қилди:

– Ҳа, Файзи, яна питирлаб қолдинг. Нима, оёғинг куйдими?

– Мени кечиринглар, рухсат беринглар, кетмасам бўлмайди...

– Ўзи бир жойда ҳеч тиниб ўтирасанми? – ранжиди Илёс. – Икки гапнинг бирида питирлаб турасан...

– Бугун жуда зарур... Бормасам бўлмайди...

Улфатлар бири олиб, бири қўйиб роса койишди. Файзулла қўлини кўксига қўйиб, узр сўраб, узоқлашди.

Давра бир қадар совуди. Файзулланинг уйига бўлган садоқатдан анчайин ғаши келиб юрадиган Умрзоқ тўнғиллади;

– Эркак деган бир ерга борса, босиб ўтиради. Соат олти бўлди ўтиролмай қолади. Хотинидан қўрқиш ҳам шунча бўлади-да.

– Ошни сузаверайми? – қўлларини сочиққа артатуриб, сўрига яқинлашди Абдукарим. – Ие, Файзулло қани?

– Бир кўрпада тепишиб катта бўлганинг кетди, муҳлати тугаган экан, – зарда қилди Умрзоқ.

– Бозорга тушаман, онам анжир сўровди, деяётувди, – деди Абдукарим. – Аттанг, ошдан бир коса бериб юбораман девдим. Дуо қиларди онахон, ахир тўқсондан ошган-а...

Даврага жимлик чўкди. Абдукарим лаганларни олиб қозонбошига кетганда, Адҳам Умрзоққа ўқрайди:

– Тилингни тий, оғайни, бироргамиз ҳам охирини суриштирмабмиз. Билардикку онаси хасталигини.

Улфатлар катта чинни косага ошни босиб, Файзуллаларникига кириб келишганда ажиб манзаранинг устидан чиқишди. Файзулла анжирларни ювиб, пўстини сал-пал артиб, узатиб турар, нуроний онаси эса, дуо билан тановул қиларди. Абдукарим улфатларга шивирлади:

– Ҳадисларда ўқигандим, Пайғамбаримиз: «Одамлар ичида хотин кишига нисбатан ҳақлироғи унинг эридир. Эркак кишига нисбатан одамларнинг ҳақлироғи бу унинг онасидир», деган эканлар.

Улфатлар ҳали иссиққина паловни онахоннинг олдига қўйишди:

– Олинг, ойижон, совумасин. Ахир биз ҳам сизнинг фарзандларингизмиз.

***Темур УБАЙДУЛЛО.***

# ЖАМОАНИНГ ЎЗ ШОИРЛАРИ БОР

Янги Ангрен давлат иссиқлик электр станцияси жамоаси орасида қалам тебратишга ихлосманд ижодкорлар ҳам кўпайиб бормоқда. Уларнинг шеърлари ва кичик ҳикоялари бу ерда чиқариладиган деворий газеталарда, маҳаллий матбуот саҳифаларида тез-тез кўриниб туради. Уларнинг бошини қовуштириш учун ёш ижодкорлар тўгараги ташкил этилди. Кимё цехи бошлиғи Мавлуда Темирбекова ташаббуси билан барпо этилган тўгарак аъзолари қаторида 15 нафардан ортиқ ҳаваскор ижодкорлар бор. Турли касб эгалари бўлган энергетиклардан Абдуҳошим Сотиболдиев, Муҳаббат Эламасова, Саида Отабоева, Чарос Шерматова, Эльза Пархоменко ва бошқалар шу тўгаракнинг фаол қатнашчилари бўлиб қолдилар.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ишчи-хизматчилар ўртасида бадиий ҳаваскорликни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам бермоқда, етарли маблағлар ажратмоқда. Чунончи, мамлакатимиз мустақиллигининг тўққиз йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўрик-танловини уюштириб, унинг ғолибларига қамматбаҳо эсдалик совғалари топширдилар.

***Мунаввара ИСҲОҚОВА.***

# ТОКИОДАГИ «ТОШКЕНТ»

***Токиодаги ресторанлардан бири ана шундай номланади. Бу эса Япония жамоатчилигининг халқимизнинг бой маданияти, анъаналари ва урф-одатларига нисбатан ўсиб бораётган қизиқишидан яна бир далолатдир.***

«Тошкент» ресторани Гунма даҳасининг маркази Маебашини Токио билан боғловчи марказий автотрасса яқинида жойлашган. Ушбу ресторан соҳиби Такао Сато. У нафақат ресторан директори, балки Гунма даҳасидаги етакчи сиёсатдонлардан бири ҳисобланади. Бу йил у Оота шаҳри Ассамблеясининг раиси вазифасига сайланди.

— Мен болалигимдан Буюк ипак йўли мамлакатларида бўлишни орзу қилар эдим, – дейди Т. Сато. – Балки, қачон бўлса ҳам сизнинг мамлакатингизга бориш насиб қилар. Ҳозирча мен «Тошкент» номли ресторан очдим. Нима учун айнан Тошкент? Биринчидан, у Буюк ипак йўли мамлакатларидаги машҳур шаҳарлардан бири ҳисобланади. Иккинчидан, шаҳар номланишининг иероглифда ёзилишига эътибор берсангиз, «канджи»ни иккита сўз сифатида таржима қилиш мумкин. Сўзнинг биринчи қисми «Таши» бу «минг достон», иккинчи қисми эса «кенто» – «донишманд шаҳар» маъноларини беради. Натижада чуқур фалсафий маънодаги сўз бирикмаси ҳосил бўлади: «минг достоннинг донишманд шаҳри».

Такао-сан ресторани хўрандаларни нафақат таомларнинг турли-туманлиги билан жалб қилади, балки бу ерда Ўзбекистонга бағишланган ажойиб безакли бурчак мавжуд бўлиб, унда мамлакатимиз байроғи савлат тўкиб турибди. Шунингдек, серқуёш диёримиз винолари ҳамда қуритилган меваларидан иборат мўъжазгина кўргазма ҳам бор.

Такао Сатонинг режалари мўл. Яқин келажакда у Япониянинг турли шаҳарлари ва даҳаларида ана шундай ресторанлар тизимини ишга туширмоқчи. Мазкур ресторанларнинг Самарқанд, Бухоро, Карвон каби номлар билан очилишини орзу қилади. Такао-сан ўз корхонасининг муваффақиятига ишонади.

***«Жаҳон» АА.***

*Ёзувчиларнинг янги асарлари*

**Омон МУХТОР**




Мабодо кимдир ундан ҳаёт тўғрисида сўраса, у гапни тез бошқа ёққа буради. Кўмади. Кўзларини олиб қочиш баробарида, қўллари, оёқларини ҳам негадир яширишга уринаётгани, танига титроқ тушиб, буни зўр бериб енгишга ҳаракат қилаётганини сезади. Уни тер босади.

Марварид шу боис, бошқалардан ҳам кўпроқ Ҳазратдан ҳайиқади.

У ҳозир Иброҳим билан гаплашиб, кўнглидаги дардларини Ҳазратнинг олдида изҳор этолмас, буни истамас эди!

Ўзини бепарво тутган бўлиб, яна қўлидаги китобни кўздан кечира бошлади.

Ёшликдан Марварид, ҳар хил сафарномалар, саргузаштларга қизиқар, асосан тарихга, жуғрофияга тегишли китобларни ўқир эди. Табиат оламига бағишланиб, рангин суратлар босилган китоблар уни айниқса қизиқтирарди. Баъзан идорада ҳам ўқиб ўтирар эди. Ана, у китобга мук тушган: бироқ энди филлар ҳаёти акс этган қайси суратга тикилиб, қандай ёзувларни кўздан кечираётганини ўзи ҳам сезмаётган эди.

Шу куни ишхонада бошлиқ йўқ эди. Атроф туманларни айлангани кетган. Қабулхона жимжит эди.

Туш пайти яқинлашган.

Ахийри...

Телефонни қўриқлаб, соядек қадалиб ўтирган Ҳазрат ўрнидан қўзғалиб, чой ичгани эшикка йўналди.

Марварид шошганича, телефон ёнига борди. Нафаси бўғзига тиқилиб, рақам тера бошлади.

Беш дақиқа...

Ўн...

Йигирма...

Ўттиз...

Натижа бўлмади!

Кейин:

— Алло. Менга Иброҳим ака керак!

— Қанақа Иброҳим?! Адашдингиз.

— Алло. Менга Иброҳим...

— Дунёда Иброҳимдан кўпи борми?! Қизиқ одам экансиз.

— Алло. Менга...

— Қўйсангиз-чи! Бошқа ишингиз йўқ шекилли, синглим.

— Алло...

— Ҳадеб қўнғироқ қилишавуради.

Бардоши тугаб, дам сайин юраги ёнаётган Марварид телефонни ҳам, қабулхонани ҳам қолдириб, югурганича кўчага чиқди.

«Худойим! Бу ёғи нима бўлади?!»

Тўғрига қараб юрди.

Кетди.

Кетди.

Ниҳоят, яланг-бепоён бир ўтлоқзорга бориб қолди. Назарида, Иброҳим шу атрофда юргандек эди...

* * *

Иброҳим ҳали бу ерга етиб келмаган эди.

Бу кун у не савдоларга йўлиқаётганидан бехабар эди.

«Эски оғайнилар» билан Иброҳим баъзан кўча-кўйда, баъзан маърака-тўйда кўришар эди. Лекин минг йилдан буён улар билан бир даврада ўтириб, ош-қатиқ бўлмаган эди.

Минг йил бурун Иброҳим «Иқтисод ва сиёсат» деган идорага ишга кирган. Бу ерда бош раҳбар билан тезда унинг ораси бузилган эди.

Бош раҳбар — Ғайрат Нусрат маълум обрўга, мавқега эга киши эди. У онадан туғилганию оғзидаги сўрғични ташлаган кунлардан бошлаб давра тўрида ўтириш, хонлар, бекларга ўхшаб одамлар устидан ҳукмронлик қилишга, уларни ўзи истаган томонга етаклаб, истамаган томондан қайириб олишга одатланган эди! Бундай тоифа раҳбарлар тўғрисида гоҳо, феъли оғир, муомаласи дағалроқ, аммо ишнинг кўзини билади, ўзи яхши одам, дейишади. Айримлар меҳрлари тошиб ҳатто, ийиб, иймонли одам, деб ҳам қўйишади! Шуҳратпараст, мансабпараст, дабдаба-асъасага берилиб, ўзини йўқотган, ўзини салкам — наузамбиллоҳ! — худо деб билган бу тахлит фиръавнларда иймон «номаъқул» қиладими?! У масжид солса ҳам, тўғри дўзахга кириб кетаверади.

Ғайрат Нусрат қисқаси, халқни оёқ учида кўрсатар, идорада, юрган йўлида «Жалабни боласи, энангни! Занғар. Қизиталоқ» деб ҳаммани сўкиб ҳам кетаверарди. Бу ерда одамлар, ёқимли бир сўзни эшитгандек, қўл қовуштириб тураверишарди. Шунга ўрганиб қолишган эди! Инсоф юзасидан айтганда...

Аҳён-аҳёнда бўлса-да, кимдир мажлисда минбарга чиқиб, Ғайрат Нусратни чимчилаб қўйгандек, оз-моз танқид қилган пайтлар ҳам учрар эди. Ғайрат Нусрат «танқидчи»ни эртаси куниёқ ҳузурига тутиб келтириб, мансаби ёки ойлигини кўтарарди. Тинч юр, ўзинг ўтирган шохга болта урма, дерди. Танқид қанчалик одамларга ёқса, у шунчалик нархни юқори белгиларди. Шу боисдан аҳён-аҳёнда бўлса-да, бақириб-чақириб мажлисни «гуллатадиган»лар топилиб турарди. (Бир гал қайсидир хизматчи минбарга чиқиб, ким ҳақда, нима деяётганини ўзи ҳам билмай, қўлини олдинга чўзганча «муртадлар» деб ҳайқирган эди).

Аммо мажлис бўлмаган одатдаги кунлар ҳамма офтобда қовжираган гулга айланарди.

Биров миқ этмайди.

Одамлар оғзига сув олган.

Алла бир ҳорижий фильмда бошлиқ ечин деса шаппа ечина бошлаган идора ходимини кўрсатишган эди. Бу идорада ҳам хизматчилар ғурур ёки номус тўғрисида ўйламайдиган бўлиб кетишган эди!

Иброҳим ўйин шартини қабул қилмаган эди.

У Ғайрат Нусратга қул бўлишни истамади.

На ҳақоратга чидади, на ҳимматга қаради.

Иброҳим — душман эди!

Ғайрат Нусрат Иброҳимни йўқотиш пайига тушди.

Ундан айб қидира бошлади.

Қидирган — топади!

Уни ишдан бўшатиб юборди.

Иброҳим Ғайрат Нусрат кутганидек, бошқа бир идорага ишга кирмади. Қайси идорада ишласа ҳам, Ғайрат Нусратнинг узун қўли гирбонидан тутаверишини ҳис этди. Шаҳардаги заводлардан бирига бориб меҳнат кишилари орасидан жой олди. Олий маълумотли эканлигини унутди. Зиёли хизматчидан оддий ишчига айланди.

У падарингга лаънат, деб, Ғайрат Нусратни унутиб кетаверса, шу билан олам гулистон, бу воқеа тугар эди! Бироқ...

Иброҳим дардини ичига ютолмади.

Икки киши қилич кўтариб майдонга чиққан:

Иброҳимнинг қиличи синиб, Ғайрат Нусрат ғолиб келган эди. У энди Иброҳимнинг устидан қаҳ-қаҳ отиб кулмоқда эди!

Иброҳим бунга чидаёлмади.

У — ёш йигит эди. Номусли эди. Ғурурли эди.

Ғайрат Нусратни янчиб-топтаб, шоирлар айтмоқчи «мен ҳали ўлганим йўқ!» ёки «тирикман ҳамон!» дейишга шаҳдланди.

Кейинчалик у ўз ишидан пушаймон бўлди. Болалик қилдим, жоҳил бир кимсага тенглашиш шарт эмасди, деб ўйлади. Лекин ўшанда ўзини тўхтатиб туролмади.

Икки-уч кун эринмай машинка чиқиллатди:

Ғайрат Нусрат — чўчқа

Ғайрат Нусрат — чўчқа

Ғайрат Нусрат — чўчқа...

Кейин бир куни саҳарлаб таниш идорага борди.

***(Давоми. Боши ўтган сонда).***

***(Давоми бор).***





*36 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган Оққўрғон туманидаги 78-махсус ёрдамчи мактаб интернатда 270 нафар ўғил-қиз таълим ва тарбия олмоқда. Интернатда 12та гуруҳ мавжуд. Уларга тўлиқсиз ўрта таълимни битирганлик тўғрисида гувоҳнома ва эгаллаган ихтисоси бўйича диплом топширилади. Қизлар кўпроқ тикувчилик билан қизиқсалар, ўғил болалар эса дурадгорликка меҳр қўйганлар. Барча шарт-шароитлари муҳайё этилган интернатга беш йилдан бери оққўрғонлик тадбиркор Абдуғаффор Холматов беминнат ҳомийлик қилиб келмоқда. Осиё маданиятини юксалтириш институти раҳбари Ким Дон Хи жаноблари ҳам икки йилдан бери ҳиммат қўлларини чўзмоқда. У ўтган йили ўқувчиларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиб, бетоб деб топилганларни даволашга бош бўлди.*

*Интернатда 29 ўқитувчи, 32 тарбиячи, 50 техник ходимлар туну кун болаларга парвона.*

*Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ҳар йили интернатни турли спорт анжомлари, ўқув жиҳозлари билан таъминлаб келмоқда.*

*СУРАТЛАРДА: мактаб-интернат ҳаётидан лавҳалар.*

***Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.***

## ҲАНДАЛАР

Бадантарбия ўқитувчисидан ўғли сўраяпти:

– Дадажон, айтинг-чи, нима учун баъзан ер қаттиқ айланади?

– Яна қолган коньягимни ичиб қўйдингми, зумраша?!

* * *

– Қани, Марзия, судралиб юрувчиларга мисол келтирчи?

– Мен сизга айтсам, сингилларим Фотима ва Зуҳра. Чунки улар дарсдан судралиб юришмоқда-да!

* * *

– Дада, Бахтиёр акам биз ҳаммамиз ернинг тортиш қонуни сабабли ер устида юрарканмиз, дейди, шу тўғрими?

– Ҳа, шундай, қизим.

– Ньютон бу қонунни кашф этгунча одамлар қандай юришган экан-а?

* * *

Биринчи синф ўқувчисига дадаси:

– Наҳотки бир ойда ўнгача санай олмасанг-а, ўғлим?! Катта бўлсанг, ким бўласан? – деб сўрабди.

– Бокс бўйича ҳакам бўламан.

***Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.***

*Футбол*

# «ҚОРАХИТОЙ»ГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

***КЕЧА Фарғонада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоят кубок эгалари иштирокидаги футбол турнири старт олди.***

АЙТИШ мумкинки, бу республика чемпионати иккинчи табақаси жамоалари учун биринчи табақага ўтиш йўлида дастлабки босқич турниридир. Жамоалар қуръа асосида тўртта гуруҳга бўлиниб, ўз рақиблари билан беллашадилар. Гуруҳ ғолиблари ярим финалга чиққан ҳисобланади ва иккига бўлиниб ўйин ўтказадилар. Икки ғолиб жамоа финалда учрашади. Финалда ютиб чиққан жамоа ноябрь ойида бўладиган ҳақиқий ўтиш турнирида иштирок этади.

Маълумки, ўтиш турнирида Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри ва республика вилоятларининг 2000 йилги чемпионлари биринчи табақада ўйнаш ҳуқуқини берадиган ягона йўлланма учун ўзаро курашадилар. Бу турнирда вилоятимиз чемпиони «Оҳангарон-С» жамоаси ҳам иштирок этади. «Қорахитой» жамоаси эса вилоят кубоги эгаси сифатида Фарғона турнирида қатнашаётир. Агар вакилларимизга омад кулиб боқса, чемпионлар сафига қўшилиб, биринчи табақага йўлланма учун курашга киришадилар. Биз «Қорхитой»га Фарғонада бўладиган учрашувларда омад тилаймиз.

Об-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 8-11 октябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик бўлмайди. Ҳавонинг ҳарорати кечалари 3-8, кундуз кунлари эса, дастлаб 14-19, кейин эса 17-22 даража илиқ бўлади

*Қизиқ жаҳон*

## «КЎЗЛИ» ЎСИМЛИКЛАР



Сиз тонг отаётганда ёки кун ботаётганда оёғингиз остидаги майсаларнинг, турли гиёҳларнинг баргларини кузатганмисиз? Буни қарангки, улар ҳам қуёшни жуда севар экан. Қуёш қайси томонга ўтса баргларнинг юзи ўша томонга бурилар экан. Чунки, қуёшнинг нури уларнинг баргларига яшиллик ато этар экан. Шунинг учун ўсимликлар қуёшдан «кўз узмас» эканлар.

## ОГОҲ БЎЛИНГ

Замонамиз техника асри эканлигини таъкидлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Лекин бизнинг мушкулимизни осон қилаётган ақлли машиналарнинг, жиҳозларнинг зарари ҳам бор экан. Буни билиб қўйган фойдадан ҳоли эмас. Дастлаб рангли телевизорлар ҳақида. Болаларга телевизор турган уйга иложи бўлса ухлаш учун жой солманг. Чунки кўп ишлаш жараёнида телевизордан катта электромагнит нурланиш чиқади. Ўзингиз ҳам иложи бўлса икки-уч метр нарида томошаларни кўринг. Компьютерлар ҳақида ҳам шуни айтишимиз мумкин. Ёш болалар компьютер билан бир кунда 10 дақиқадан ортиқ «мулоқот» қилмасликлари керак. Мактаб ўқувчилари эса кун давомида ярим соат, шунда ҳам дам олиб-дам олиб ишлашлари мумкин. Ёши улуғ одамлар бундан мустасно. Лекин, улар ҳам кун давомида олти соатдан ортиқ банд бўлмасликлари керак. Айниқса, ҳамманинг қўлидан тушмай қолган уяли телефон ҳам рангли телевизор ва компьютердан кам асабга зиён етказмас экан. Ҳозир бу масала чуқур ўрганиляпти. Уяли телефондан фойдаланиш тахминан кунига 10-12 маротаба бўлса, меёрий ҳисобланар экан. Шуни айтишса керак-да, «асалнинг ҳам заҳри бор», деб.



## 80 МИЛЛИАРД ТУҒИЛГАНМИЗ

Демографик маълумотларга кўра, бутун инсоният тарихи давомида 80 миллиарддан ортиқ одам туғилган. Шу жумладан, милоддан аввалги 40 минг йилда 4 миллиард киши, милод бошидан 1750 йилгача 61 миллиард ва 1750 йилдан 2000 йилгача 16 миллиарддан ортиқ одам дунёга келган.



Кўп фарзандлик Осиё ва Африка мамлакатларида авжга чиққан. Лекин, Россияда ҳам XX аср бошигача кўпболалик анъанаси давом этган. Энг кўп 69 нафар фарзанд кўрган аёл ҳам россиялик бўлган. Машҳур олим Н. Пирогов оилада 13-бола, буюк кимёгар Д. Менделеев эса 17-фарзанд бўлиб ўсган. Ёзувчи Лев Толстойнинг эса «атиги» 13та боласи бўлган. Ўзбеклар эса қадимдан жуда болажон ҳисобланадилар.

## ЧОЙ ҲАҚИДА РИВОЯТ



Чой ичиш қачондан расм бўлган? Бу ҳақда шундай ривоят бор. Жуда қадим замонда Хитой подшоси айб қилиб қўйган бир аъёнини дашту биёбонга бадарға қилдиради.

Бу одам ейишга овқати, ичишга суви қолмаганида бир тоғ этагига етиб келади. Дунёдан умидини узиб турган бир пайтда кўзи аллақандай бир бутага тушади. Мажолсиз қўллари билан бута шохидан биттасини синдириб олади-да, зора дармон бўлса деган умидда баргларини чайнай бошлайди.

Шундан кейин у бирдан ўзини тетик ва бардам ҳис қила бошлайди. Мўъжизакор баргдан йўлга ҳам ғамлаб олиб, шаҳарига равона бўлади. Чайналган нарса – чой ўсимлигининг барги эди.

Уйига қайтган дарбадар кўрган-кечирганлари, айниқса, уни муқаррар ўлимдан қутқариб қолган ўсимлик тўғрисида зўр ҳаяжон билан ҳикоя қилиб беради. Чойнинг овозаси саройгача бориб етади.

Шоҳ ўзининг собиқ аъёнини чақиртириб, агар ўша ўсимликни менинг табибларимга кўрсатиб берсанг, гуноҳингни кечаман ва қайтадан ўз амалингга минасан, дейди...

Чой одамларга шу тариқа маълум бўлган экан.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-905. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45. 1 2 3 4 5 6